

Президент Саудия Арабистонига жўнаб кетди



12:11 / 17.08.2022 1236

Бугун, 17 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Икки Муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан ушбу мамлакатга жўнаб кетди. Ўзбекистон делегацияси таркибига Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари ҳам киритилган. Ташрифнинг биринчи манзили сифатида барча мусулмонлар учун муқаддас Мадина шаҳри зиёрат қилинади.

Куннинг иккинчи ярмида давлатимиз раҳбари Жидда шаҳрига келади. Бу ерда олий даражадаги Ўзбекистон-Саудия саммитининг расмий тадбирлари бўлиб ўтади. Уларда мамлакатларимиз ўртасидаги қўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилиниб, муҳим келишувларга эришиш кутилмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Саудиянинг етакчи компаниялари, нуфузли халқаро тузилмалар – Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Ислом

тараққиёт банки раҳбарлари билан учрашув ўтказиш ҳамда Умра зиёратини амалга ошириши режалаштирилган.